

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИКА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 21 ИЮЛЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 29 (577) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

ЕРИДА САХОВАТ, ҲОСИЛИДА БАРАКА БОР

Она еримиз шундай саховатлики, нима эканлиги, албатта, мўл ҳосил оласиз. Ҳосил бу — ризқ, эртанги кун, фаровон ҳаёт демак. Айниқса боғ яратиб, сархил мевалар билан эл дастурхонини безаётган боғбону миришкорлар савобгар бўладилар.

Китоб тумани Навоий номидаги ширкат ҳўжалигида яшовчи Абдуманнон Набиевни туман аҳли ерининг тилини билладиган, суяги меҳнатда қотган миришкорлар деҳқон сифатида эъзозлашади, ҳурмат қилишади.

— Мана, бир неча йилдирки, — дейди Абдуманнон ака, — ширкат ҳўжалигидан ижарага олган тоқзорда оиламиз билан меҳнат қилиб, узул етиштириб келяпмиз. Ҳалол меҳнатимиз орқасидан кам бўлганимиз йўқ. Энг муҳими манфаатлиқ бор. Етиштирилган ҳўсимилимизнинг пулини вақтида оламиз. Олган даромадларимиз эвазига тўйлар қилиб, улар қураёламиз. Буларнинг барчаси Мустақиллик шарофатидан.



Асли касби ўқитувчи бўлган Маҳфуза Эрнзарова эса ишнинг кўзини билладиган тadbirkor аёллардан. Бу йил эрта баҳорда у эл дастурхонига сифатли помидор етказиб бериш мақсадида 0,5 гектар ер майдонига помидор ниҳолларини экди. Кечани-кеча, кундузи-кундуз демай агро-техника талаблари асосида парваришлади. Натижа эса ёмон бўлмади. Бу йилги ҳосилдан салкам 1 миллион сўм даромад қилди.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар

Мустақилликнинг 15 йиллигига

КЕЛАЖАГИ САОДАТЛИ ЮРТ

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАЛАРИ

Мустақилликдан муқаддам бу қишлоқни ҳеч ким эсламасди. Номи ҳам галати эди: Шапский. Истиклолдан кейин, аниқроғи, 1992 йилда бу қишлоқ Шарқобод деб номланди. Тарихи эса 100 йилдан ошяпти.

Шарқобод чегарада жойлашган: нариёғи — қўшни Тожикистон. Қишлоқнинг асосий бойлиги эса меҳнатқаш, ишнинг кўзини билладиган тadbirkor қишлоқлари. Аҳоли, шунингдек, чорвачилик, богдорчилик ва деҳқончилик билан шугулланади.

Истиклолдан кейин қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарди. Дастлабки йилги ҳашар йўли билан «Оталар чойхонаси» қад кўтарди. Биноидек чойхона қишлоқни янада кўркамлаштириб юборди. Ҳозир бу ер қариялар учун ўзига мос маънавият ва маърифат масканига айланган. Бир чойнак чой устида суҳбат қилишди. Кўпни кўрган нурунийлар Истиклолга шукрона айтишади. Қолаверса, қишлоқнинг айрим муаммолари ҳақида гурун қилишади. Маҳалла фаолларига ўзларининг қимматли масалаларини беришади. Қариси бор унинг париси бор деб бежизга айтилмаган-да.

Яна бир муҳим далил: Истиклол йилларида шарқободликлардан 27 киши муқаддас ҳаж сафарига бориб қайтди. Бугун улар еш авлод-ни ҳидоят сари етакламоқда.

Мустақиллик йилларида Шарқобод ҳақиқий обод гўшага айлан-ди. Ҳашар йўли билан замонавий маҳалла гузари бунёд этилди. Навруз умумхалқ байрами кўплари гузар тантанали очилиди. Шодиянада вилоят ҳокими, Олий Мажлис сенати аъзоси Абдурахим Жало-лов қатнашди. Шунингдек, қишлоқ даволаш масканининг иш бошла-ши қишлоқ аҳлини роса қувонтир-ди. Негизи, даволаш маскани за-монавий тиббий асбоб-ускуналар

билан жиҳозланган; малакали шифо-корлар эса аҳоли саломатлиги йўли-да фидойилик билан меҳнат қили-шяпти.

Ҳамширалар Сайёра Худойназарова ва Жумагул Авазова билан гу-рунглашдик. Улар бу ерга бошқа жойдан келиб ишлашар экан. Яқин-да ўз кадрлари бўлди: ҳозирги вақт-да шарқободлик қизлардан 3-4 на-фари олий ва ўрта махсус таълим юртлирида билим олишяпти.

ШАРҚОБОДЛИКЛАР «СОТКА»ДА ГАПЛАШИШАДИ

Шарқободда бирорта оила ўтин ёқмайди, хонадонлар тўлиғича газ-лаштирилган. Қишлоқ оксоқоли Са-мад Бегматовдан сўрадик:

— Қишлоққа алоқа тармоғи кир-магани? Негадир хонадонларда те-лефон аппаратлари қўринмайд...

Оксоқол кулимсираб, жавоб қай-тарди:

— Шарқобод аҳли бугун бутун жумлаи жаҳон билан «сотка»да гап-лашяпти.

Суриштирсак, қишлоқ аҳолиси-нинг аксарияти қўл телефонидан фойдаланар экан. Таъкидланганидек, шарқободликлар азалдан савдо-сотик, чорвачилик, богдорчилик ва деҳқончилик билан шугулланиб ке-лишади. Дўкондорлар ҳам анчагина топилади.

— Қишлоқда дўкондор фақат мен десам, хато бўлади, — дейди Умар-ли Эгамбердиев биз билан суҳбатда. — Масалан, Неймат Раҳмонқулов. Ири-скул Бердиев, Аюбхон Шодмонку-ловларнинг хусусий дўконлари қишлоқ аҳли ўзганин яқин, отирини эса енгил қилаяпти, дастурхонини безаяпти.

Дарвоқе, тadbirkorликка кенг йўл очилган. Абдуғаффор Қоди-ров тивувчилик бўйича кичик кор-хона очиб қуришди. Ҳозирги вақт-да бу ерда қишлоқнинг 15 нафар чевар қизлари ишляпти. Бундан ташқари, қишлоқдаги 4 та фермер

ҳўжалигида йигит ва қизларнинг 40 нафари ижтимоий фойдали иш билан банд.

ШАХСИЙ ТОМОРҚАДА ГАП КЎП

Қишлоқда ўз ишининг уста ми-ришкорлари анчагина. Шарқобод картошқаси Уратена ёки Самарқанд-никидан қолишмайди. Айниқса, ши-рин-шакар узумининг шухратини ўзоқ-ўзоқларда ҳам яхши билишади. Иборали қилиб айтганда, Шарқобод узумини бир марта қўқиб, мазасини татиған чугучуқ дунёнинг нариги чеккасидан ҳам қайтиб келади.

Шарқобод деҳқонлари қўшни Бо-ёвут, Ховос, Янгир туманлари, ҳатто вилоят маркази — Гулистон шаҳри бозорларини ҳам ўзларининг мўл-кўл деҳқончилик маҳсулотлари билан обод қилишяпти. Истиклол тўғрисида ҳар бири 25 сотихдан томорқа олган Абдуманнон Бегимов, Қурбонали Йўлчиев, Исом Темиров, Саттор Су-лаймонов, Омон Ширинбоев, Рузи-бой Эшқуев, Шавкат Сариев каби деҳқонлар 4 тоннагача картошқа ети-тиряпти. Агарда қишлоқ лalмикор-лигини инобатга олсак, бу чакки кўрсаткич эмас, аксинча мўмайгина даромад демақдир.

Маҳаллий миришкорлар қиш чи-ласи киргунга қадар узумни ток на-вдаларидан ўзиб ейишади. Маҳалла оксоқолининг шарқободлик деҳқон-лари билан суҳбатда беришча. Даврон Ботиров, Ҳаким Бердиев, Хонимқул Маматқулов, Карим Боти-ров сингари богбонлар ҳар йили 5-6 тоннадан ҳосил кутаришади. Са-мад Бегматовнинг ўзи ҳам бошқа-лардан қолишмайди: у ҳам ҳар боши битта патнисни тўлдирадиган узум-ни шохда қандай сақлаш сир-ас-ропларини яхши билади.

ЧОРВА АУКЦИОНИ

Қишлоқ аҳли қорамол-у қўйни сўмбатига қараб қанча гўшт-у қанча ёғ беришини адашмай айтиб бера-ди. Атрофдаги мол бозорлари Шар-

қобод чорвасига кўз тикиб туради. Яқинда Президентимизнинг «Шах-сий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжа-ликларида чорва молларни қўлайти-ришни рағбатлантириш чора-тadbirkor-лари тўғрисида»ги қарори бўйича «Сирдарё аукцион мол бозори» мар-кази очилди. Шарқобод чорвадорла-рининг иши янада юришди. Битта буканинг дастлабки баҳоси 55 минг сўм қилиб белгиланган эди. Савдода эса салкам 1 миллион сўмга харид қилинди. Шарқобод аҳлининг фаро-вон яшаётгани сири мана шундай тadbirkorлик асосига қурилган де-сақ, мулққа янглишмаймиз.

ҲОМИЙ СУРАТГА ТУШМАДИ

Сўхбатимиз давомида гап Ҳомий-лар ва шифокорлар йили муносабати билан амалга оширилаётган хайрли ишларга келиб тақалди. Маҳалла оксо-қоли Ҳомийлик, ёрдамга муҳтожлар эзгу амаллар азалдан ўзбекнинг қри-да жўш уриб келганига алоҳида ургу берди. Сўнгга бошидаги дўпписини қўлида чир айлантириб деди:

— Ҳомийлардан иккитаси билан таништирай. Қишлоқда Холмун ҳожи Раззоков деган киши бўлади. Аввал-ги йили бандаликни баҳо келтирди. Ўзидан кейин эса унутилмас из қол-дирди: икки етим болани тарбиялаб вояга етказди. Уларга уй қуриб, уй-ланттирди. Муҳтож оилаларга доим ёрдам қўлини қўзиб келди. Қишлоқ-даги кўчалардан бирини унинг номи билан атадик. Халқ хурсанд бўлди.

Қўли очик яна бир инсон Эрмат ҳожи Сатторов экан. Саховатли ҳожи қишлоқда буладиган тўй-маъракалар-да ишлатиладиган стол-стуларни ясаб бериш вазифасини ўз зиммаси-га олибди. Истихола қилиб, ҳатто суратга ҳам тушмади.

Илгари қўл учидан кун кечирган Шарқобод аҳлига бугун ҳавас қилса арзийди. Аминимизки, меҳр-муруват-ли бундай гўша келажақ, албатта порлоқ ва саодатли бўлади. Пиримқул Дўст МУҲАММАД, «Адолат» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2006 йил 19 июлда республика ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонни иж-тимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ва 2006 йил учун белгилан-ган прогноз параметрларига эришиш-га йўналтирилган қўшимча чора-тад-бирлар белгиланди.

2006 йил 10 февралдаги ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республика-си Президенти Исом Каримов то-монидан белгиланган берилган иқтисо-дий ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари ва энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг боришини танқидий таҳлил қилиш мажлис қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисини Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев олиб борди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида, айниқса, иккинчи чораги-да таркибий ислохотлар қўлланари-ни кенгайтириш, иқтисодиётни мо-дернизация қилиш ва эркинлашти-риш, мулкчиликнинг хусусий секто-рини мустаҳкамлаш, қўлай инвести-ция муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш-нинг муҳим омилли сифатида фуқ-роларни иш билан таъминлашни кен-гайтириш учун шарт-шароитлар яра-тиш бўйича қабул қилинган чора-тadbirkor иқтисодий ўсишнинг қўри суръатларига эришишга қўмақлашди.

Макроиктисодий кўрсаткичлар борасида эришилган ютуқлар бунинг исботидир. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг 1 ярим йилли-гидаги нисбатан 6,6 фоизни таш-кил қилди. Иқтисодий ўсиш инве-стицияларнинг - 6,9 фоиз, саноат маҳ-сулотларининг - 9,7 фоиз, қишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотларининг - 7,2 фоиз, савдонинг - 11,6 фоиз, хизмат-лар кўрсатишнинг - 13,3 фоиз ўсиши ҳўсобига таъминланди. Қишлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотларининг умумий ҳаж-мида бошқоқли дон экинлари билан бир қаторда мева-сабзавот, полиз ва чорвачилик маҳсулотлари салмоғи ошди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдовиси 883,1 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нис-батан 1,2 фоиз профицит билан ижро

этилди. Инфляция даражаси 3,5 фо-изни ташкил этди.

Текширишларни кескин қисқар-тириш, санкцияларни суд томони-дан белгилаш механизмни жорий этиш, статистик ва молиявий ҳисо-ботларни қисқартириш бўйича ўтган йил охирида ва жорий йил бошида қабул қилинган норматив ҳўжатлар кичик бизнес ва тadbirkorлиқни янада кенг ривожлантиришни таъ-минлади. Банклар томонидан ажра-тилган кредитлар ҳажми 240 млрд сўмни ташкил қилди. Иқтисослашти-рилган «Микрокредитбанк» акция-дорлик-тижорат банки ташкил этил-ди ва фаолият кўрсата бошлади. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари сони қарийб 25 фоиз-га, улар маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи эса ўтган йил-нинг тегишли давридаги нисбатан 3,2 фоизга кўпайди.

Ўтган давр мобайнида 240 та корхона ва ийрик объектлар хусу-сий мулк этиб сотилди, улардан 107 таси инвестиция мажбуриятлари ости-да бепул берилди. Моддий ре-сурсларни сотишнинг бозор меха-низмлари янада фаол жорий этил-моқда. Юқори ликвидли маҳсулот-ларни Республика товар-хомашё биржаси орқали сотиш ҳажми 61,7 фоизга кўпайди ва 483 млрд сўмни ташкил қилди. Биржа экспорти ай-тишми анича кўпайди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқ-ларини жадал модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш стра-тегияси, амалга оширилаётган инве-стиция сиёсати доирасида Ўзбеки-стон Республикаси Тикланиш ва та-раққиёт жамғармаси ташкил этилди. Марказлаштирилмаган инвестициялар салмоғи кўпайди. Нефть-газ тармо-ғида Россия компаниялари билан бирга лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тўқимачилик саноатида бир қатор лойиҳалар ту-галланмоқда. «Тошгузар-Бойсун-Қум-кўрган» темир йўли, «Ўзбекистон» электр қуввати узатиш линияси ва бир қатор муҳим объектлар қурили-ши қўри суръатлар билан амалга оширилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар иш-лаб чиқариш 1,4 баравар кўпайди ва 675,3 млрд сўмни ташкил қилди.

Ўтган ярим йилликда аҳолининг

турли қатламларини ижтимоий муҳо-фаза қилиш, уларнинг иш билан банд-лигини ошириш ва даромадларини қўлайитириш бўйича бир қатор комп-лекс чора-тadbirkorлар кўрилди. Меҳ-натга ҳақ тўлаш ва моддий рағбат-лантиришнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий қилиш давомида ўқитувчилар ва солиқни сақлаш ти-зимини ҳодимлари иш ҳақи қўлайити-рилди. Мактабларнинг директор жа-мғармасидан 202 минг ўқитувчиға ёки улар умумий сонининг 44 фоизига қўшимча тўлов белгиланди, улар ҳажми 28,3 млрд сўмни ташкил қилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» тад-бирлари доирасида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ижти-моий ёрдам кўрсатиш анича кенгайди ва у 106 млрд сўмни ташкил қилди.

Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамаси мажлиси қатнашчилари-нинг асосий эътибори амалда ҳал этишни талаб қиладиган мавжуд кам-чиликларга таъминотларга қаратилди.

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан республика иқтисоди-ёти тармоқлари ва соҳаларини ри-вожлантиришнинг яқин бир неча йилга мўлжалланган мақсадли комп-лекс дастурларини тасдиқлаш бўйи-ча бир қатор муҳим фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Кўрсатиб ўтилган дастурларни асосий бөлгов-чи омил — бу уларнинг ижтимоий йўналтирилганлигидир.

Иқтисодиёт вазирини Б.Хўжаев, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирини СИС-моилов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирини О.Оби-дов, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, республиканинг бир қатор шаҳар ва туманлари ҳўқимлари ҳўсо-ботларида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорвачи-лиқни ривожлантиришни рағбатлан-тириш, хизматлар ва сервис соҳаси-ни, айниқса, қишлоқ жойларда ри-вожлантириш, янги иш ўринлари таш-кил этиш ҳамда касаначилиқни ри-вожлантириш асосида аҳоли даро-мадларини қўлайитириш, мева-сабза-вотчилик ва узумчиликда ислохотлар-ни чуқурлаштириш дастурларининг биринчи босқичлари амалга ошири-лиши танқидий таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда.)

Бугуннинг гапи

УННИ БОЙТИШ СИРИ

Бехбуд БОТИРОВ

Аҳоли саломатлиги ҳақида гам-хўрлик қилиш мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб дав-лат сиёсати даражасига кўтарилиди. Ҳўкуматимиз томонидан қатор умум-давлат дастурлари ва мақсадли лойи-ҳалар амалга оширилмоқда. Унни бойитиш дастурининг амалга оши-рилиши ана шу йўналишда олиб борилаётган улкан ишларнинг ман-тикий давоми бўлди.

Пойтахтимиздаги Миллий мат-буот марказида Республикани Со-лиқни сақлаш вазирлиги, ЮНИСЕФ-нинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ташаббуси билан бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини бойитиш бўйи-ча миллий дастурининг оммавий ах-борот воситаларидаги тарғиботиға оид иккинчи миллий қўрик-танловға бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда камқонлик, темир тан-қислиги ҳасталиги умумжаҳон миқ-ёсидаги ийрик муаммолардан экан-лиги таъкидланди. Жаҳон солиқли қи-яш ташкилотининг маълумотиға кўра, дунёнинг 40 фоиз аҳолиси кам-қонликдан азият чекади, шундан 75 фоиз темир танқислиги тўғрисида жо-за келади. Микроэлементлар етиш-маслиги тўғрисида ҳар кун дунёда 300 нафар она темир танқислиги тў-ғрисида тугруқ пайтида ҳаётдан кўз юммоқда. Бу каби маълумотлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Республика гематология ва қон қўйиш илмий-тадқиқот институти кам-қонлик профилактикаси маркази ди-ректори Дилором Сулаймоновнинг таъкидлашча, темир моддаси ва фо-лий кислотаси инсонни камқонлик-дан, тугруқдаги ўлимлардан, тугма мажруҳликлардан, ҳатто инфаркт ва инсультлардан ҳўмоқ қилишға ёрдам беради.

Қонда темир миқдорининг етарли бўлмаслиги камқонлиқни ёки илмий тили билан айтганда, темир танқислиги анемиясига келтириб чиқаради. Ане-миянинг оқибатлари қўпичча яши-

рин бўлиб, бир қарашда кўзға таш-ланмайди. Амалётдан маълум бўли-шча, уни бартараф қилишнинг энг самарали ва тежамли йўли — унни танқис моддалар билан бойитишдир.

Унни бойитиш бўйича миллий дастурнинг жамоатчилик билан ало-қалар ва маркетинг бўйича масла-ҳатчиси Рустам Ҳайдаровнинг таъ-кидлашча, жаҳондаги 191 мамлакат-дан атиги 48 тасида ун бойитилар экан. Ўзбекистон бугунги кунда ун бойитиладиган мамлакатлар сафи-дан жой олган. Юртимиз аҳолиси асосан 1 навли ун истеъмол қиладди. Бу биз севиб истеъмол қиладиган «бўхонка» ва оби нондир.

Нега гуруч ёки картошқа эмас, бал-ки ун бойитилади, деган ҳавол саҳол тугилади. Ҳамма гап шундаки, биз нонни ҳар кун истеъмол қиламиз,

демак витаминлар ва темир модда-сини организмимиз ҳар кун етарли миқдорда олади.

Шу ўринда яна бир гап. Мамла-катимиз аҳолиси чойни севиб истеъ-мол қиладди. Бироқ бу ҳар доим ҳам фойда бермайди. Гап шундаки, чой ва қахва овқатдаги темир моддаси-нинг 70-100 фоизини ўзлаштиришға тўсқинлик қиладди. Шунинг учун овқ-ат пайтида ёки овқатдан сўнг шу заҳоти чой ичманг, 30 дақиқа кутиб турин! Чой ўрнини шарбат, компот, қайнатилган сув ёки маъданли сув босиши муқим.

Унни бойитиш бўйича миллий дастурнинг оммавий ахборот воси-таларидаги тарғиботиға оид танлов жорий йилнинг 18 июлидан 2007 йилнинг 31 январига қадар давом этиши маълум қилинди.

Бу жуда муҳим!

Унни бойитиш нима?

Унни бойитиш (фортификациялаш) — бугдой унига тегирмондан чиқар-ганда йўқотиладиган фойдали микроэлементларни катта миқдорда қўйиш жараёнидир.

Нима учун айнан унни бойитишға қарор қилинди? Бугдой жаҳонда энг кўп тарқалган дон экинларидан. Киши организмни бу маҳсулотни истеъмол қилар экан, овқатланиш рақияниға қараб кундалик энергетик эҳтиёжини 17 фоиздан 45 фоизгача қондиради.

Бундан ташқари, сўнгги юз йилда галлали экинлардаги фойдали микро-элементлар миқдори 40 фоиздан кўпроққа қисқарган. Айнан шунинг учун бугунги кунда унга ушбу озуқа микроэлементларини қўйиш кескин зарурат-га айланди.

Бойитилган ундан нон ёпилганда ёки пиширик пиширилганда унинг таркибидаги озуқа моддаларнинг 95 фоизи сақланиб қолади. Чунки танди-даги юқори ҳароратға қарамай, ҳамирнинг ичидаги ҳарорат фойдали мод-даларнинг керакли миқдорда сақланиб қолиши учун етарли бўлади.

Бойитилган ун оддий ундан қимматроқ бўладими? Йўқ. Унни бойитиш унинг нарҳига таъсир қилмайди.

Бойитилган нонни ҳам ранги, ҳиди ёки мазасидан ажратиб бўлмайди. Сиз билишиниз қараб булган нарсаси шунки, бойитилган нон — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган биринчи навли ундан ёпилган нон бўлади!

Темир танқислиги анемиясига қалинмаслиги учун қандай овқатланиш керак?

Бойитилган нон ва ун маҳсулотларидан ташқари овқатта темир моддаси-га бой булган маҳсулотларни — нухат, мош, ёрмалар, маккажўҳори ва кўкатлардан кўпроқ ишлатинг. Янги мева ва сабзавотлардан кўпроқ енг.

Ушбу сонда:

ОҚИБАТ — ОДАМИЙЛИК
ФАЗИЛАТИ

фюллеримиз

ВАЗИЯТ
ЧИГАЛЛАШМОҚДА

Исроил-Ливан

ОТА — БОШ
ТАРБИЯЧИ

психолог маслаҳатчи

Отдан тушса ҳам эгардан тушма
ётган уй эгалари қизимга барбисир
тинчлик бермайтди. Шуну ўрнига
улар набрира ва фарзандларни холи-
дан хабар олиб, нима ёл нима қия-
ётгани билан қизиқиши инсоний фа-
зилатлардан эмасми?

Хурматли таҳрирлат ходимлари!
Мени ушбу мулоҳазаларимни газетан-
ги саҳифалардан чоп этсангиз. Зора,
айрим ота-оналар ўқиб қолиб, ўзлари-
га керакли хулоса чиқариб олишса,
фарзандлар хабар чекишса...

Спорт

БАРЧИНОЙ ИЗДОШЛАРИ

Мустақиллик йилларида миллий спорт туримиз — кураш дунё юзину кўрди. Хозирги пайтда дунёнинг саксонга яқин давлатида кураш миллий федерациялари фаолият юритаётди. Турли нуфузли мусобақалар зур муваффақият билан ўтказилмоқда. Ёр куррасининг турли минтақаларида курашга иштирокчилар сони тобора ортиб бораётди.

Мамлакатимизда кураш билан шугулланаётган ёшлар

ларимиз шугулланиб келган курашга ошно эканлигидан ҳечам афсус қилмайман. Чунки кураш соғлом улғайишга катта ҳисса қўшибгина қолмасдан, мени иродали қилиб тарбиялади.

Зулхўжа ХУДОЁРОВА,
ЎзДЖТИ талабаси:
— Бобом ҳам, отам ҳам курашчи ўтган. Бошқа спорт тури билан шугулланишга уриниб кўрганман. Лекин томиримда ота-боболарим қони оқаётганлиги сабабли, юрагим ку-

мураббийлар камлиги туфайли спорт тўғрисида қатнашга йиманишарди. Шу боис, университетни тамомлаган, ўзим туғилиб ўсган Жомбой туманида кураш тўғрисида оғиб, қизларга мураббийлик қилмоқчиман. Ўнги муҳими, келгусида Олимпия ўйинларига дастуридан жой олишга интилаётган курашчи ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўшаман.

Зулхўжа ХУДОЁРОВА:
— Қанийдим, курашимиз тезроқ Олимпия ўйинларига киритилса, унда



— Оилада ёлғиз қиз бўлсам-да, курашни танлаганимда уйимизда-лар мени қўллаб-қувватлашганида рост суюнганман. Мураббийим Баҳодир Бердиқулловнинг машғулотларида қатнашган илк кунимдан бошлаб, фақат юқори натижаларни қўладим.

Тўғри, сузиш, стол тенниси, енгил атлетика, волейбол, бадмин гимнастика сингари қизларга мос спорт турлари бор. Лекин азал-азалдан ота-боболаримиз, момо-

рашга талпинаверди.

Қўнчилик кураш қизларга хос эмас, дейишарди. Аммо ҳозиргача унинг оғирлик қиладиган жихатларини сезмадим. Мураббийимиз Жўра ака Шойқулов ҳам қизларга машғулотлар ўтаётганида аввало бизнинг истакларимизни инобатга олади.

— Келгуси режоларингиз қандай?

Гулмира ИСМАТОВА:
— Жойларда иқтидорли қизлар кўп. Аммо уларнинг аксарияти аёл

лантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда ўзим туғилиб ўсган Қорақалпоғистонда бўлиб, у ерда бунёд этилаётган янги спорт мажмуалари, кураш залларини кўриб ҳавасим келди. Сабаби қишлоқларимизда яратилган шарт-шароитлар ҳар жиҳатдан замонавийлиги билан шаҳардагидан қолишмайди. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш эса бизнинг қўлимизда. Шундай экан, келгусида ана шундай имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Тарих

Феруза ЖУМАНИЕЗОВА,
Низомий номидаги ТДПУ талабаси

Ўзбек давлатчилиги тарихида Темурлар сулоласининг ўрни катта. Зеро, ушбу сулола ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар сари юз тутган. Сулолага мансуб шахзодалар, уларнинг фаолиятлари ҳақида тарихий-илмий адабиётларда маълумотлар етарли бўлмаса-да, Темурий маликаларнинг сиймоларини тарихий жиҳатдан тиклашда маълум қийинчиликлар мавжуд. Шунга қарамайдан, Темурий ҳукмдорлар қатори маликаларнинг ҳам мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини ўрганиш ҳам мумкин.

Соҳибқироннинг суюкли келини Хонзодабегим Амир Темур саройида катта обрў-эътиборга сазовор бўлган. Унинг асл исми Севинчбека бўлиб, отаси Оқ Сўфий нуфузли холидан вақили эди. Онаси Шакарбека эса Олтин Ўрда хони Ғиёсиддин Муҳаммад Ҳазрат (1312-1342)нинг қизи бўлган. Хонзодабегим ёшлигидан ўқир эҳли, ақл-фаросати ва тadbirkor бўлиб етишди.

Маълумки, Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфий вафотидан сўнг тахтга иниси Юсуф Сўфий ўтиради. Амир Темур Хоразм атрофидаги ерларни забт этган, Юсуф Сўфий билан битим тузди. Битимга мувофиқ, Юсуф Сўфий жиғини Хонзодабегимни соҳибқироннинг ўғли Жаҳонгир Мирзога беришга розилик беради. Амир Темур дуру жаҳоирлар, қимматбаҳо буюмлар тўдирилган подшоҳона сеп билан совчиларни Хоразмга жўнатади. Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда шундай ёзади: «Шаввол ойида, тарих етти юз етмиш бешда, барс йилида аввал баҳорда (1374, март) соҳибқирони комкор фармонлади-ким, Ёдгор бинни Лолаким, Қорачор

Нўнинг ўғлонларидан эрди ва До-вудбек ва Улжойтубекни подшоҳона буюмлар билан Хоразмга йибарди-ким, маҳди улё Хонзодани келтур-гайлар». Шундай қилиб, «юз туман таъзим ва тақрим», подшоҳона луф ва эътиром билан Хонзодабегимни Самарқанд шаҳрига олиб келишарди. Беклар тезда шоҳона қодир ва оқ-уйлар қуриб, тўй тадоригини қўришарди. Шаҳзода Жаҳонгир Мирзонинг Хонзодабегим билан тантанали ни-коҳи ҳижрий етти юз етмиш беш йил (1374 йил)да бўлиб ўтди.

Хонзодабегим Жаҳонгир Мирзо-дан бир ўғил кўради, исмини Му-хаммад Султон Мирзо деб атайдилар. Бироқ, 1376 йили Жаҳонгир Мирзо бевақт ҳалок бўлган, ёш Хон-зодабегим бева қолади. Амир Темур Хонзодабегимни нияҳтада ҳурмат қилганлиги боис уни қўлдан чиқар-масликка ҳаракат қилган. Бунга са-баб, биринчидан, унинг Ўзбекхон ав-лодидан эканлиги бўлса, иккинчи-дан, сулола давомчилари бўлиши ва-лиахд ва шахзодаларнинг ана шун-дай оқила она қўлида тарбия топи-шига алоҳида эътибор берганлиги-ди. Дарвоқе, соҳибқирон никоҳ анъ-аналарига юксак ҳурмат ва эътибор билан қараган. Унинг «Темур тузуқ-лари»да келтирилган қўйидаги сўла-ри диққатга сазовор: «Ўғилларим, на-бираларим ва яқинларимни уйланти-тирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишларни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. «Ке-лин бўлиши насл-насаби, одоб-ахло-қи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртга катта тўю-томоша бериб, келин туширдим».

Хуллас, Амир Темур ўзбек уруғ ва қабилаларида азалдан урф-одат ту-сига кириб келадиган расми қўллаб, 1383 йилда Хонзодабегимни иккин-чи ўғли Мироншоҳ Мирзога никоҳ-

лаб беради. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида 1383 йил во-қеаларини баён этар экан, «Мирзо Мироншоҳнинг ҳарамини, оти Хон-зода эрди» деб Темурий малика но-мини тилга олади. Хонзодабегим Ми-роншоҳдан Халил Султон Мирзо исми-ли ўғил қўради.

Амир Темур барча олиймаком ке-линлари ичидан Хонзодабегимга ало-ҳида ҳурмат билан қараган. Кела-жакда айнан уша келинидан тутил-ган Муҳаммад Султон Мирзо сиймо-сида тахт учун муносиб номзодни қўриши бежиз эмас. Аммо валиахд 29 ёшида оламдан ўтди. Бу воқеа-дан бир йил ўтган, фарзанд доғида қўйган Хонзодабегимга Муҳаммад Султон Мирзонинг жасадини Султо-ния ҳудудидан Самарқандга кучи-ришга ижозат беради.

Хонзодабегим Темурийлар салта-нати обрў-эътиборига бефарқ бўлган эмас. Оқила ва тadbirkor малика арқони давлат осойишталиги, сарой-даги турли қўнғилсизликларни бар-тарafd этиш учун масъул эди. Ҳукум-дорлигининг сўнгги йилларида Ми-роншоҳ Мирзо айрим аёлларнинг таъсирига берилиб, кайф-сафого ружу қўйиб, салтанат ишларига кара-май қўяди. Хонзодабегимнинг бу иш-лардан дили ҳуфтон бўлиб, 1399 йили Табриздан Самарқандга — Амир Те-мур ҳузурига йўл олади. Суюкли ке-лини орқали воқеалардан воқиф бўлган Соҳибқирон Мироншоҳ Ми-ронзо ҳокимиятдан четлатилади.

Хонзодабегим ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида маълумотлар етар-ли эмас. Шуниси маълумки, Хонзо-дабегим 1407 йили Мактауллох зиёратига кетади. Абдураззоқ Са-марқандийнинг маълумот беришича эса, Хонзодабегим ўғли Халил Султон Мирзонинг ўлимидан 2 кун аввал, 1411 йил 3 ноябрда Тусда вафот этади.

Психолог маслаҳати

Ота — бош тарбиячи

она эса босиқ, доно, ҳалол ва камтар бўлса оила мустақил бўлади

Феруза АҚРАМОВА,
психолог

Оила муаммолари — ота-она ва фарзанд муносабатлари, айниқса бола тарбиясини ўрганиш инсоният тарихий тараққиётининг узок ўтмишлари-га бориб тақалади. Олиму дониш-мандларимиз қадим замонлардан бошлаб оилавий муносабатларни ўрганиб, бу ҳақдаги қарашларини ўз асарларида баён этиб келганлар.


Ибн Сино ўзининг «Тадбири манзил» номи асарида оила, оилавий тарбия масалалари фарзанд камолотида алоҳида аҳамият касб этишини қайд этиб, тўғри тарбия оила бахти-нинг муҳим асоси эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, оилада бош тарбиячи ота ҳисоб-ланади. Отанинг табиятан юмшоқ бўлиши бола тарбияси-ни бузади. Шу боис оталарнинг қаттиққўллиги болалар тарбия-си учун нияҳтада муҳимдир. Ибн Синонинг мазкур китобида-да «Аёлларнинг яхши сифат-лари» бўлимида оилада оналар-нинг ўрни ҳақида шундай дей-илади: «Оналар оилада босиқ, доно, ҳалол ва камтар ҳамда бола тарбиясида отага энг яқин кўмакдош бўла олишлари оила мустақамлигини сақлашга ёрдам беради». «Тиб қонунлари» китобида эса онанинг бола тарбиясидаги вазифа-ларини алоҳида қўрсатиб берилган. Шунга қўра, эмизувчи аёл мумкин қадар сипо, ваэмин ва босиқ бўли-ши керак. Ундаги газзабланиш, қайгу-риш, қўрқуш ва шу қаби бошқа пси-хологик кечималар болага зарар кел-тириши мумкин.

Зардуштийликнинг қадимий ки-тоби — «Авесто»да ҳам оила муқад-дас даргоҳ эканлиги, оила барқар-орчилиги эр ва хотиннинг баравар масъуллиги, фарзанд тарбияси тўғ-рида фикрлар баён этилган. Китоб-да айтилишича, оилада ота етакчи бўлгани мазкур. Бироқ унда эр-хо-тин ўзаро меҳрибон бўлишлари ке-рак. Аёлнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонун қаражасига қўтари-лган. Демак, ҳалқимиз тарихида зар-душтийлик давриданоқ оила ва аёл масалаларида катта эътибор билан қаралган. Бу эса, аёл ва оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини

мустақамлаш учун ўша даврларда-ноқ замин яратила бошланганлиги-дан далолат беради.

Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул-қулуб» рисоласида ҳам яхши инсо-ний муносабатларни амалга оширишда кишиларнинг феъл-атворлари қандай бўлиши маъқуллиги, яхши оилавий ҳаёт кечиришда яхши хотин ёки ёмон хотин хусусиятлари баён этилган.

Абдулла Авлонийнинг «Туркий



Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ин-сон соғлом ва ҳур фикрли бўлиши-да оила, оилавий тарбиянинг аҳам-ияти очиб берилган. Муаллиф оила-да болага илк ёшидан бошлаб одоб ва ахлоққа оид тарбия бериш ло-зимлигини уқтирган. Чунки, «Тар-бияни тугилган кундан бошлаб оқ-вужудимизни қувватлантирмоқ, ахлоқ-сизлиқни қучиштирмоқ керак. Зеҳ-нимизни эса равшанлантирмоқ ло-зим...» — деб ёзади алломо. Негаки, оилада фарзандга берилаётган тар-бия унинг келгусида ким бўлиб ети-шишига, ё қомил шахс, ё худбин бўлиб шаклланишига таъсир этади. Жамиятнинг қандай қарор топиши эса қўл жиҳатдан оилага боғлиқ. Зеро жамият бир тана бўлса, оила унинг юрагидир. Юракдан танага тарқаёт-ган қон тоза бўлсагина танами ба-қувват ва соғлом тутди. Ҳар бир оиланинг хотиржамлиги, ундаги фар-зандларнинг яхши тарбияланганлиги ва соғломлиги давлатнинг келажаги порлоқ бўлишига асос бўлади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 214-урта мактаб томонидан Дукраева Назокат Абдуғаффаровна берилган аттестат йўқотганили сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги "TRANS-ЛНОВ" МЧЖнинг думалоқ муҳри йўқотганили сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сиёсий
Кенгазининг
ижтимоий-сиёсий
газетаси

Тахрир хайъати

Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тургунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир
ХУҲАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
руйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.

Телефонлар:

Қабулхона —
133-40-86
136-53-14
Факс —
133-41-89
Котибият —
136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти
бўлими —
133-41-89
Хатлар бўлими —
136-55-64
Маънавият, адабиёт ва
санъат бўлими —
136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат
бўлими —
136-54-39
Маркетинг ва реклама
бўлими —
136-55-96

Навбатчи
муҳаррир —
Бахтиёр Тошназаров
Навбатчи —
Носир Ҳайдаров
Саҳифаловчи —
Латифжон Турсунов

● «Адолат»дан қўчириб
босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга
оширилади.
t — Мазкур белги остида
тихорат мақолалари
чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида
чоп этилди.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 900
Ҳажми — 4 босма табоқ,
Офсет усулида
Босилган
Қозғоз бичими А-2.
Адади — 1270

Нашр индекси — 100
Ҳафтанинг жума кунлари
чиқади.

Босишга топшириш вақти
— 2000
Босишга топширилди
—

Санъат

МУМТОЗ ҚЎШИҚ
ОШУФТАСИ

Мухтасархон КАРИМОВА

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият инсти-тути «Халқ бадийи ижодиёти» фа-культетининг талабаси Моҳира Бо-божоновна асли Қорақалпоғистон-дан, Амударё туманининг Пана-шам қишлоғида, оддий ишчи оиласида туғилган.

4-5 ёшларидан қўшиқлар хир-гойи қилишни бошлаган Моҳира кейинчалик мумтоз куй-қўшиқлар ошувфасига айланди. Мактабда ўқиб юрган кезларида эса турли катта-кичик санъат тadbirkorлари-да, қўриқ-танловларда қатнашиб, мухлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди. 2001 йили Нукус шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекис-тон — Ватаним меним» танлови-да голиб деб топилди. 2002 йили эса «Оналарни асрайлик» номи мактаблараро танловда ҳам фах-рли ўрин соҳиб бўлди.

Эндиғина 19 баҳорни қарши-лаган Моҳира «Айлағач», «Бир

ишва билан», «Шитоб айлаб», «Нас-ри уззал», «Яли-яли», «Сайёра», «Излайман» қаби ўзбек мақомида катта маҳорат билан ижро қилин-ган, қўшиқчидан қучли овоз, юксак иқтидор талаб этувчи ашулаларни маромига етказиб қўйламоқда. Бун-да унинг устозлари — таникли санъ-аткорлар Хайрулла Лутфуллаев, Оролмирза Сафаров, Матлуба Да-дабоева, Нодира Пирматова ва Ко-мил Қосимовларнинг сабоқлари, ўғитлари асқотмоқда.

— Менинг орузим, — дейди ёш санъаткор, — мақом ижрочилигида барчанинг кўнглидан ўрин олган Гул-бахор Эрқулова, Насиба Сатторова, Замира Суноновалар изидан бориб халқимиз сийдиқидан хизмат қилиш. Бундан ташқари, келажакда эстрада йўналиши бўйича ҳам ижод қилмоқ-чиман. Бу мендан катта масъулият талаб қилишини яхши тушунаман, аммо санъатга бўлган меҳрим қи-йинчиликларни енгишимда далда бўлади, деган умиддаман.



Риштон туман халқ таълим бўлимига қарашли 18-мактабга-ча тарбия муассасаси-да кичкинтойлар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ёнг муҳими, тарбия масо-ҳида катта малакага эа педагог-тарбиячилар фаолият кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу ерда тарбияланаётган ҳажжи ўғил-қизлар жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишмоқда.

Суратда: мактабга-ча тарбия муассасаси ҳаётидан лавҳа.

Мулоҳаза

ТАҚЛИД ФОЙДА БЕРАДИМИ?..

Махфуза ЮЛДАШЕВА,
Республика маънавият ва
маркази мухтасархон

Ҳар бир давр инсон камолоти, ёшлар тарбияси борасида янгидан-янги мураккаб масалаларни қўйяверади. Умуман, инсон тар-бияси башариёт тараққиётининг барча бос-қичларидаги асосий масалалардан.

Биз ўта мураккаб зиддиятларга, қарама-қаршиликларга тўла ахборот асрида ашпа-миз. Бутун дунёни қамраб олган Интернет тизими орқали истаган одам ҳар қандай маълумотни қабул қилиши мумкин. Шу ти-зим орқали ахлоқий меъёрларга пугур етқа-заётган порносайтларнинг ўрин олгани ҳам барчага маълум. Интернет кафедаларга му-рожаат этаётганлар орасида 9-10 ёшли бола-лар ҳам бор. Бу жойлардаги томошалар улар-нинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмай-ди, деб ким айта олади. Албатта, интернет-нинг кишилар дунёқараши, билими ва сави-яси кенгайишидаги аҳамияти катта. Бироқ қўча-қўйда фаолият кўрсатаётган интернет кафедалар учун қандайдир, назорат керакми-кан, деган фикрга борасиз баъзан. Чунки инсоннинг тубан иллатларини жунбушга кел-тирадиган гарб поп ва рок мусиқаси, кино-лари, видео клипларида маҳлиё бўлиб қола-ётган айрим йигит-қизларнинг ўзигидан йи-роқлашаётгандек, асрий урф-одатларга бе-писанд муносабатда бўлаётгандек.

Қўча-қўйда, иш юзасидан турли хил феъл-атворли кишилар билан учрашсангиз. Чирой-ли, хушхалом, очик чехра инсонларга дуч келганда, беҳиётёр кайфиятимиз кўта-рилиб, баҳри дилимиз очилади. Демак, ин-

сонда ўзига нисбатан атрофдагиларнинг меҳрини уйғотадиган фазилат, бу унинг муомила мадания-тига рия қилишидир.

Шу ўринда ўзим гувоҳ бўлган кичик бир воқе-ага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Имтиҳон пайти. Домла ўқув жараёнида қорасини кўрсатмаган бир талабани имтиҳонда қат-нашишга рухсат бермади. Ўзини калондимог тутган йигитча домланинг тепасига келиб: «Нима учун қўймайсиз?» дея овозини кўтариб сўради. Домла унга дарсларда қатнашгани боис, им-тиҳонга қўйиш учун рухсат беролмаслигини айт-ди. Шунда қайсар талаба: «Майли, ўзингизга қаранг!», деди-ю, эшикни зарб билан ёпиб чиқиб кетди. Эшикнинг зарбидан домла ўнгайсиз ҳолга тушса-да, имтиҳонни давом эттирди. Бир маҳал эшик очилиб, боғи йигитча кўринди: «Домла, менга фамилиянгизни айтиб юборинг!», деди... Энди, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ҳолат инсоний-лиқнинг, одоб-ахлоқ белгиларининг қай бир ме-зонларига тўғри келади?

Ҳа, айрим ота-оналар фарзандларини «тоғ-»ларга суяниб иш қўришга ўргатиб қўймоқдалар. Таниш-билишлик, енгил-елпи иш битиришлар охи-р-оқибат ҳаётни теран англай олмасликка, иро-дасизликка, қийинчиликлар олдида тез таслим бўлишга олиб келмайдими?! Оилавий муҳит ки-шининг баркамоллик даражасига етишишида жуда катта аҳамият касб этади.

Юқоридаги воқеани кўриб, жуда ҳафза бўлиб кетдим. Ўша йигитчанинг ота-онаси бадфеъл ин-сонлармикан ёки теварак-атроф таъсирига тушиб қолганмикан, дея ўйладим. Лекин барибир ми-ямда бир фикр ўрнашиб қолди: куч уясида кўр-ганини қилса керак. Дарвоқе, даставвал оилада, кейин эса ўқув даргоҳида таълим-тарбия олган,

шу юртнинг нон-тузини еб ўлғайган айрим ёш-ларимизнинг ноҳўя ҳаракатлари жамиятимизнинг оғрикли нукталаридандир. Интернетдан фойда-ланиш пайтида турли хил бёмани фикрлар, ку-ракда турмайдиган сўзалардан фойдаланаётган ёшларни кўриб, замонавий ахборот техноло-гиялари шунчаки вақт ўтказиш воситаси сифатида қараётганларга ачинасан киши.

Қўл телефонидан қасб пайтларида фойдалана-ётган талабалар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Уяли теле-фоннинг борлиги яхши — ўзганингизни яқин, оғирингизни енгил қилди. Лекин бу ўзини кўрсат-иш воситаси эмас-ку. Жамоат жойларида бу қўлай-лиқдан фойдаланишнинг ҳам меъёри бўлади. Ахборот асри, олис, яқин манбалардан тарқа-ладиган турли маънодаги мафкуравий кучлар-нинг таъсири доимий равишда сезилиб турган даврда яшар эканмиз, аввало, ёшларда ташки хуружлардан ҳимояланидиган мустаҳкам имму-нитетни шакллантиришимиз зарур. Биз ёшларни умумийлиқ кадрларига, халқимизнинг неча аср-лик маънавий-маърифий мероси, урф-одат, анъ-аналарига ҳурмат ва меҳр руҳида тарбияламоғи-миз лозим.

Инсоният эришган ахборот техноло-гияси ютуқларини инкор этиш фикридан йироқмиз. Биз миллатимиз ривожига хизмат қиладиган ушбу со-ҳада ҳали кўп ютуқларга эришсанмиз. Ахборот те-хнологияси соҳасида Ўзбекистонни жаҳон микё-сига олиб чиқадиغان, эркин ва мустақил фикр юр-та оладиган, билимли ва доно ёшларимиз жуда кўп-лақ топилди. Фақат шунинг айтмоқчимиз-ки, ёшларимиз ўз қиёфаларини йўқотмаслик-лари, ҳар соҳада меъёр билан яшамоқлари даркор. Зеро, кўр-кўрона тақлид ҳеч кимга ҳеч қачон фойда келтирган эмас.